

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОБИЛОВА НИЛУФАР ХУДОЙШУКУРОВА

НОНВОЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САМАРАЛИ
ҚЎШИМЧАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА
АССОРТИМЕНТ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Қобилова Нилуфар Худойшукуровна

Нонвойчилик маҳсулотларини самарали қўшимчалардан фойдаланиб
сифатини ошириш ва ассортимент турларини кенгайтириш.....3

Қобилова Нилуфар Худойшукуровна

Повышение качества и расширение ассортимента хлебобулочных изделий с
использованием эффективных добавок21

Kobilova Nilufar Khudoyshukurovna

Improving the quality and expanding the range of bakery products using effective
additives39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОБИЛОВА НИЛУФАР ХУДОЙШУКУРОВА

НОНВОЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САМАРАЛИ
ҚЎШИМЧАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА
АССОРТИМЕНТ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Техника фаилари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мундуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2019.2.PhD/T1073 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайдига (www.bmti.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилов Рашид Тухтаевич
техника фаилари номзоди, доцент

Расмий оponentлар:

Қурбонов Жамшед Мадржадович
техника фаилари доктори, профессор

Джаваҳирова Гулнора Зинатуллоевна
техника фаилари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етасчи ташкилот:

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 02 севт 149 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-34, e-mail: bmti_info@tdu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 361 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил 04 » 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «18» январдаги №1 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

Р.Р. Хайитов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби
т.ф.д., кат.ил.ход.

Ш.М. Ходжиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.и., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё аҳолисини озуқавий қиймати ва хавфсизлиги юқори бўлган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Нон ва нон маҳсулотларининг базавий рецептураларини янги хом ашё турлари ва қўшимча маҳсулотлардан фойдаланиш орқали бойитиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда, нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаб даражаси ошиши кузатилиб, нон маҳсулотларининг технологик хоссаларини, таркибини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада физик-кимёвий таҳлилнинг янги ва замонавий усулларида фойдаланиб нон маҳсулотларининг технологик хоссаларини ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга асосланган ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда импорт қилинадиган хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари улушини камайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, нон маҳсулотлари ассортиментини сезиларли даражада ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилашда қўшимча маҳсулотлардан фойдаланиш, қайта ишлашнинг самарали усулларини аниқлаш, нонвойчилик маҳсулотлари ассортиментини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 23 октябрь 2019 йилдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини 2020-2030-йилларда ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида, “... қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш; ... озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” каби вазифаларини назарда тутган 29 июль 2019 йилдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Кимёвий технология ва нанотехнология” ва IV “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, функционал маҳсулотларни шакллантиришнинг замонавий асосларини ишлаб чиқиш, янги турдаги хом ашёнинг биотехнологик имкониятларини ўрганиш ва улардан фойдаланган ҳолда ҳам оммавий, ҳам даволаш-профилактик овқатланиш учун тегишли янги турдаги маҳсулотларни яратишга Я.Ауэрман, И.М.Ройтер, В.И.Покровский, В.А.Тутельян, А.Ю.Просеков, Л.И. Пучкова, В.И. Дробот, Т.В.Матвеева, С.Я.Корячкина, Т.Б.Цыганова, Л.П.Пащенко, Д.А.Гафурова Г.З.Джахангилова, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаевлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ мазкур йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда, чунки хом ашё манбалари ички бозори ҳали етарлича ўрганилмаган. Ушбу хом ашёдан миллий нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш импорт хом ашё етказиб беришни қисқартириш, асосий хом ашё истеъмолини камайтириш, маҳсулотларнинг озуқавий қийматини ошириш, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги; Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштиришнинг мақбул тизимларини ишлаб чиқиш” (2017-2020й.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нонвойчилик маҳсулотларини самарали қўшимчалардан фойдаланиб сифатини ошириш ва ассортимент турларини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсимлик хом ашёси ва қўшимчалардан фойдаланиш бўйича замонавий ахборот маълумотларини таҳлил қилиш;

ўсимлик қўшимчаларининг кимёвий таркибини ўрганиш ва уларни миллий нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослаш;

тадқиқ қилинаётган қўшимчаларнинг технологик жараённинг боришига, тайёр маҳсулот сифати ва озуқавий қийматига таъсирини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва улар асосида саноат ишлаб чиқариш учун технологик кўрсатмаларини ишлаб чиқиш, ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида наъматак мевалари кукуни, зиғир уруғи уни, ерёнғоқ массаси, кўшимчали миллий нон маҳсулотлари (ўзбек лепёшкеси) олинган.

Тадқиқотнинг предметини самарали кўшимчалардан фойдаланган ҳолда озуқавий қиймати юқори бўлган миллий нон маҳсулотлари тайёрлашнинг янги рецептура ва технологияларини ишлаб чиқишни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида нон ва нон маҳсулотларининг хоссаларини физикавий, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари, шунингдек тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хон ашёдан олинган кўшимчаларнинг кимёвий таркиби ва технологик салоҳияти аниқланган;

нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хон ашёдан олинган кўшимчалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асосланган;

тайёр маҳсулотнинг истеъмол қийматини сақлаб қолган ҳолда, навли буғдой унини ва ёғни кўшимчалар билан қисман алмаштириш имконияти асосланган;

миллий нон маҳсулотларининг озуқавий қийматини ошириш учун кўшимчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

наъматак меваси кукуни, зиғир уруғидан олинган ун ва ерёнғоқ массасидан фойдаланган ҳолда миллий нон маҳсулотлари рецептураси ва технологиялари ишлаб чиқилган;

хон ашёдан ва кўшимчалардан самарали фойдаланиш орқали нон маҳсулотларининг юқори озуқавий қийматга эга бўлган ассортименти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилганлиги, математик статистика усуллариининг қўлланилиши, олинган экспериментал натижаларнинг назарий натижаларга мослиги, тажриба синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологик фаол моддалар билан бойитилган ўзбек нонларининг сифат кўрсаткичларини шакллантиришда маҳаллий хон ашёдан олинган янги турдаги кўшимчалардан фойдаланиш имкониятларини назарий жиҳатдан асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори озуқавий қийматга эга бўлган ўзбек нонлари ассортиментини кенгайтириш, уларнинг рецептураларини ишлаб чиқиш ва миллий нон маҳсулотларини тайёрлаш учун навли буғдой уни ва ёғлар сарфини камайтириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Нонвойчилик маҳсулотларини самарали қўшимчалардан фойдаланиб сифатини ошириш ва ассортимент турларини кенгайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

наъматак меваси кукунли “Оби-нон” туридаги ўзбек нонларини ишлаб чиқариш технологияси “Yuksak Qashqadaryo” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“O`ZDONMAHSULOT” АЖнинг 2021 йил 1 мартдаги 10-1-11/30-311-сон маълумотномаси). Натижада, кукунни қўллаш ҳисобига буғдой унининг сарфини 5 % га камайтириш имконини берган;

зиғир уруғидан унли “Ширмой-нон” туридаги ўзбек нонларини ишлаб чиқариш технологияси “Yuksak Qashqadaryo” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“O`ZDONMAHSULOT” АЖнинг 2021 йил 1 мартдаги 10-1-11/30-311-сон маълумотномаси). Натижада, унни ишлатиш ҳисобига буғдой унининг сарфини 4,5% гача, ёғ сарфини эса 14% гача камайтириш имконини берган;;

ерёнғоқ массали “Ширмой-нон” турдаги ўзбек нонларини ишлаб чиқариш технологияси “Yuksak Qashqadaryo” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“O`ZDONMAHSULOT” АЖнинг 2021 йил 1 мартдаги 10-1-11/30-311-сон маълумотномаси). Натижада, ер ёнғоқи эмулсиясидан фойдаланиш орқали буғдой унининг сарфини 2,5% гача, ёғ сарфини 50% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-техникавий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида 6 та ва хорижий журналларда 4 та илмий иш чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объектлари ва предмети тавсифи берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот келтирилган.

“Нон маҳсулотларининг озуқавий қийматини оширишнинг истиқболли йўналишлари” деб номланган биринчи бобда диссертация мавзусининг йўналишига оид адабиётлар таҳлили келтирилган, хусусан, нон ва нон маҳсулотларининг инсон овқатланишидаги аҳамияти тўғрисида ихтисослаштирилган манбалар маълумотлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Даволаш-профилактик мақсадли ва миллий нон маҳсулотларининг (ўзбек нонлари) ўзига хос хусусиятлари тавсифланган. Нон маҳсулотларининг базавий рецептураларини ўсимлик, ҳайвон ва микроб табиатли қўшимчалар билан бойитиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўриб чиқилди. Озиқ-овқат саноатининг нон пишириш тармоғида фойдаланиш учун истиқболли қўшимчалар аниқланди, уларнинг тайёр маҳсулотларнинг озуқавий қийматида таъсири таҳлил қилинди.

“Тадқиқот объектлари ва усуллари. Ишнинг тажриба қисмини ўтказиш режаси” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектлари ва усуллари тавсифи берилган. Ишда ўрганилаётган хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг хоссаларини органолептик, физик-кимёвий ва реологик таҳлил қилишнинг замонавий усулларида фойдаланилган. Рецептурс таркибини тадқиқ қилинаётган қўшимчалар билан бойитиш учун тажриба намунаси сифатида қабул қилинган ўзбек нонлари рецептуралари келтирилган ва уларни тайёрлаш усуллари тавсифланган.

“Тадқиқ қилинаётган табиий озиқ-овқат қўшимчаларининг кимёвий таркибини ва асосий сифат кўрсаткичларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобда наъматак меваси, зиғир уруғи ва ерёнғоқ ярим тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, органолептик, физик-кимёвий хоссалари ва озиқ-овқат хавфсизлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Нон маҳсулотлари рецептурасида буғдой уни микдорини камайтириш имкониятини аниқлаш мақсадида тадқиқ қилинаётган қўшимчалар таркиби билан навли буғдой уннинг асосий сифат кўрсаткичлари қиёсий таҳлили ўтказилди.

Наъматак меваларидан олинган кукуннинг кимёвий таркиби ва сифатининг асосий кўрсаткичлари таҳлили қилиш. Ишда Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида етиштирилаётган, “DD Proton” МЧЖ да (Тошкент, Ўзбекистон Республикаси) ишлаб чиқарилаётган Федченко (лот. *Rosa fedtschenkoana Regel*) наъматак меваларидан фойдаланилди.

Мазкур хом ашё салоҳиятини ўрганиш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670 “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар жиҳатдан айниқса мақсадга мувофиқ.

Сараланган наъматак меваларидан олинган кукун қуритилган ва майдаланган. №38 элакдан ўтиш 68,0 - 70,0 % ни, элакда қолган қолди эса 2,5 - 3,0 % ни ташкил қилган.

Тадқиқ қилинаётган наъматак кукуни кимёвий таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, куруқ моддаларнинг асосий қисмини углеводлар ва озиқ-овқат толалари (клетчатка) - 75,54 % ташкил қилади. Бироқ, мазкур маҳсулот оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг мувозанатланмаган таркибига эга. Наъматак кукуни афзаллиги бўлиб А провитамин ва С витаминининг юқори концентрацияси бўлиб, улар ЖССТ томонидан белгиланган стандартларга (2011) мувофиқ ўрнатилган катталарнинг физиологик эҳтиёжи меъёридан мос равишда 1,2 ва 10,9 марта юқорилиги аниқланган.

Нон маҳсулотларининг рецептура ингредиенти сифатида фойдаланиш учун технологик салоҳиятини белгилаб берувчи наъматак кукунининг асосий сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тадқиқ қилинаётган наъматак кукуни сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қиймати
Ташқи кўриниши	Кичик қўшимчалар сақлаган бир жинсли, кукунсимон масса
Ранги	Оч-жигарранг
Ҳиди	Кам ифодаланган мева ҳидли, ўзига хос, бегона ҳидларсиз
Таъми	Мазкур маҳсулотга хос, сал нордон, бегона таъмсиз
Намлиги, %	9,10 ± 0,50
Умумий кислоталиги, °Н	3,00 ± 0,22
Солинма зичлиги, г/см ³	34,50 ± 0,55
Сочилувчанлиги, г/с	7,05 ± 0,25
Табиий қиялик бурчаги, град	45,00 ± 0,50

Келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ, тадқиқ қилинаётган маҳсулотдан ўзбек нонларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. ОФС 42-0137-09 меъёрларига мувофиқ, солинма зичлик кўрсаткичи бўйича НК яхши (6,6-8,5 г/с), ГОСТ ISO 1068-75 талабларига мувофиқ эса сочилувчанлик кўрсаткичлари бўйича енгил деб баҳоланади. Маҳсулотнинг ушбу хусусиятлари хамирни тайёрлаш жараёнида уни дозалашда зарурий аниқликни таъминлайди.

Зигир уруғидан олинган уннинг кимёвий таркиби ва асосий сифат кўрсаткичлари таҳлил қилиш. Ишда “Zamona Rano” МЧЖ да (Тошкент вилояти, Ўзбекистон Республикаси) олинган “Бахмал-2” (лот. *Linum usitatissimum L.*) навли мойли зигир уруғидан фойдаланилди.

Мойли зигир юқори рентабель экин бўлиб, унинг афзалликларидан бири қурғоқчиликка чидамлилиги бўлиб, бу куруқ иқлимли республикалар, хусусан, Ўзбекистон учун жуда салмоқли далил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118 “Ёғ-мой саноатини янада ривожлантиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, бошқа (пахтадан ташқари) муқобил мойли экинлар (соя, кунгабоқар, зиғир ва бошқ.) экин майдонларини кенгайтириш асосида ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш учун хом ашё базасини сезиларли ошириш назарда тутилмоқда.

Мойни тўғридан-тўғри совуқ сиқишдан сўнг тозаланган зиғир уруғи кунжарасидан олинган уннинг кимёвий таркиби ва сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ўрганилди.

Тадқиқ қилинаётган зиғир уни кимёвий таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қуруқ моддаларнинг асосий қисмини оқсиллар ва озик-овқат толалари (клетчатка) ташкил қилади. Ушбу маҳсулот, наъматак кукуни каби, оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг мувозанатланмаган таркибига эга. Тадқиқ қилинаётган уннинг афзаллиги В₁ витамини (тиамин) юқори миқдори бўлиб, у катталарнинг физиологик эҳтиёжи меъёридан 16,7 % га ортқ.

Шуни таъкидлаш керакки, зиғир уруғлари селеннинг манбаи бўлиб, у инсон организми антиоксидант химоясининг муҳим элементи бўлиб, иммуномодулятор таъсирга эга ва тиреоид гормонлар таъсирини тартибга солишда иштирок этади.

Зиғир уни асосий сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тадқиқ қилинаётган зиғир уни сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қиймати
Ташқи кўриниши	Қорамтир кўшимчалар сақлаган бир жинсли, кукунсимон масса
Ранги	Сарғиш
Ҳиди	Кам ифодаланган, ўзига хос, бегона ҳидларсиз
Таъми	Мазкур маҳсулотга хос, енгил нордонли сал ширин, бегона таъмсиз
Намлиги, %	7,20 ± 0,30
Умумий кислоталиги, °Н	2,50 ± 0,10
Солинма зичлиги, г/см ³	37,50 ± 0,50
Сочилувчанлиги, г/с	6,20 ± 0,30
Табиий қиялик бурчаги, град	41,00 ± 0,50

Аниқландики, ушбу кўрсаткичлар бўйича тадқиқ қилинаётган маҳсулот ўзбек нонларининг рецептура компоненти сифатида ишлатилиши мумкин.

Ерёнғоқ массасининг кимёвий таркибини ва асосий сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш. Ишда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари фермер хўжаликларидан олинган “Мумтоз” ва “Саломат” (лот. *Arachis hypogaea*) навли ерёнғоқ мағзларидан фойдаланилди.

Ушбу ерёнғоқ навлари Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш эртапишарлик,

унумдорлик ва юқори мойлилик мезонларига кўра танлаб олинди.

Ерёнғоқ тозаланган мағздан олинган массанинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Тозаланган ерёнғоқ мағзлари қуритилган, майдаланган ва бир жинсли масса олингунча гомогенлаштирилди.

3-жадвалда келтирилган тадқиқ қилинаётган ерёнғоқ массаси кимёвий таркиби бўйича маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу ярим тайёр маҳсулот таркибида қуруқ моддаларнинг асосий қисмини ёғлар (ўртача 50,3%) ташкил этади, уларда асосан моно- ва политўйинмаган ёғ кислоталари ва оксиллар (ўртача 24,5%) билан ифодаланган. Ушбу маҳсулот, шунингдек, оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг мувозанатланмаган таркибига эгаллиги ҳам аниқланди. Тадқиқ қилинаётган уннинг афзаллиги бўлиб Е ва В₁ витаминлари юқори миқдори бўлиб, улар катталарнинг физиологик эҳтиёжи меъёрининг мос равишда 35,0 ва 28,7% ни ташкил қилади.

Ерёнғоқ оксилларининг биологик қиймати 76,0% эканлиги аниқланди. Асосий чекловчи аминокислота бўлиб лизин ҳисобланади. Валин, фенилаланин, тирозин ва триптофан каби аминокислоталарнинг АКС идеал (эталон) оксиги қараганда юқори бўлади. ИБ га яқин АКС қийматларига лейцин ва изолейцин эга бўлган.

Ерёнғоқ массаси асосий сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқ қилинаётган ерёнғоқ массаси сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қиймати
Ташқи кўриниши	Майда оқ қўшимчалар сақлаган бир жинсли масса
Ранги	Сарғиш
Ҳиди	Кам ифодаланган, ўзига хос, бегона хидларсиз
Таъми	Мазкур маҳсулотга хос, бегона таъмсиз
Намлиги, %	6,00 ± 0,50
Намуналардан ажратиб олинган липидларнинг оксидланишга чидамлилиги кўрсаткичлари:	
Кислота сони, мг КОН/г	1,00 ± 0,30
Пероксид сони, ¹ / ₂ ммоль/кг	1,50 ± 0,50
Намлик ушлаб қолиш қобиляти, %	40,00 ± 1,00
Ёғ ушлаб қолиш қобиляти, %	98,00 ± 1,00

Аниқландики, ўрганилаётган қўшимча ушбу кўрсаткичлар бўйича ўзбек нонларининг рецептура компоненти сифатида қўлланилиши мумкин. Кислота ва пероксид сонлари қийматлари ерёнғоқ массаси тоза маҳсулот сифатида белгилайди. Сув ушлаб қолиш юқори қобиляти хамирнинг намлигини 1,0-2,0% га ошириш, ёғ ушлаб қолиш юқори қобиляти эса нон рецептурасида каттик ёғларни (қўй ёғи) қисман алмаштириш мақсадга мувофиқлигини олдиндан белгилаб беради.

Ўрганилаётган қўшимчаларнинг кимёвий таркибини навли буғдой уни билан қиёсий таҳлил қилиш. Таққослаш объекти сифатида I навли нон пишириш буғдой унидан фойдаланилди. Хом ашёнинг кимёвий таркибини қиёсий таҳлил қилишнинг объективлиги учун қуруқ моддагага қайта ҳисоблаш амалга оширилди. Тадқиқот натижалари 4-жадвал ва 1-расмда келтирилган.

I навли нон пишириш буғдой уни ва ўрганилаётган қўшимчаларнинг кимёвий таркиби ва энергетик қийматини ўрганиш жараёнида асосий нутриентлар таркибидаги маълум фарқлар аниқланди.

4-жадвал

Ўрганилаётган қўшимчаларнинг кимёвий таркиби ва энергия қиймати


Нутриент	Нутриент миқдори, г/100 г ҚМ // табақа (ранг)			
	I навли буғдой уни	НК	МЛ	МА
Оқсиллар	12,32 / 3	4,00 / 4	30,70 / 1	26,00 / 2
Ёғлар	1,74 / 4	1,76 / 3	9,70 / 2	53,50 / 1
Углеводлар	78,84 / 1	56,00 / 2	12,39 / 4	16,28 / 3
Клетчатка	0,23 / 4	27,00 / 2	36,84 / 1	2,34 / 3
Кул	0,81 / 4	5,60 / 2	10,34 / 1	1,80 / 3
Бошқа моддалар	6,06	5,64	0,03	0,08
Минерал моддалар, мг:				
темир (Fe)	2,44 / 3	3,24 / 2	10,45 / 1	1,86 / 4
кальций (Ca)	28,00 / 4	70,00 / 2	312,50 / 1	59,57 / 3
магний (Mg)	51,16 / 3	20,00 / 4	711,21 / 1	127,66 / 2
фосфор (P)	133,72 / 3	19,78 / 4	840,52 / 1	449,47 / 2
рух (Zn)	0,00 / 4	0,63 / 3	8,08 / 2	20,21 / 1
Калориялик, ккал	360 / 3	242 / 1	256 / 2	646 / 4
Табақа, балл	36	29	17	28

Табақалаштириш натижаларига кўра зиғир уни (17 балл) етакчи, ундан кейин ерёнғоқ массаси (28 балл) ва наъматак кукуни (29 балл) эканлиги, рўйхатни таққослаш намунаси, яъни I навли буғдой уни (36 балл) рўйхатнинг охирида эканлиги аниқланди. Оқсилнинг энг паст миқдори наъматак кукуни таркибида, хусусан унга қараганда 3,0 марта ва зиғир уни ва ерёнғоқ массасидан мос равишда 7,7 ва 6,5 марта камлиги аниқланди. Оқсилнинг максимал концентрацияси зиғир унида топилган (унга нисбатан 2,5 баравар кўп). Кутилганидек, ерёнғоқ массаси ёғ миқдори бўйича етакчи – таққослаш намунасига (ун) нисбатан 30,7 баравар кўп. Ушбу кўрсаткич бўйича зиғир уни иккинчи ўринни эгаллайди (таққослаш намунасига нисбатан 5,6 баравар кўп). Бу нон рецептурасида ёғ миқдорини камайтириш имконини беради. Унга яқин бўлган углеводларнинг миқдори наъматак кукунида топилган,

бошқа қўшимчаларда углеводлар миқдори анча паст бўлган. Нонлар рецептурасида наъматак кукуни ва зиғир унидан фойдаланиш уларни озуқавий толалар (клетчатка) билан бойитиш имконини беради, чунки мазкур қўшимчалардаги уларнинг миқдори ундаги худди шу қийматдан мос равишда 117 ва 160 барабар ортиқ бўлади.

Fe Ca, Mg ва P нинг энг катта миқдори зиғир унида, Zn эса МАда топилган. Энг паст калориялик наъматак кукунида (унга нисбатан 118 ккал/100 г ҚМ камроқ), энг юқори қиймат ерёнғоқ массасида (унга нисбатан 286 ккал/100 г куруқ моддалар кўпроқ) топилган. Ушбу қўшимчалардан фойдаланиш тайёр маҳсулотлар таркибини иссиқликка чидамли В витаминлари, шунингдек, каротиноидлар ва Е витамини билан бойитиш имконини беради.

Тадқиқ қилинаётган ун ва сочилувчан қўшимчаларнинг, айнан наъматак кукуни ва зиғир уни фракцион таркиби 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ун ва тадқиқ қилинаётган қўшимчаларнинг фракцион (гранулометрик) таркиби

Аниқландики, тадқиқ қилинаётган барча намуналарнинг фракцион таркиби амалда бир хил, чунки уларда ўртача фракция заррачалари (180 - 200 мкм) қўшимчанинг умумий массасидан зиғир унида 84,5 дан ва наъматак кукунида 85,2% дан уннинг умумий ҳажмидан 86,7% гача устунлик қилади. Фракционал таркиб бўйича I навли буғдой унига наъматак кукуни энг яқин бўлган, бу эса унинг паст намлик ва мўртлик даражаси билан белгиланади.

Тадқиқ қилинаётган қўшимчаларда захарли элементларнинг миқдори ва патоген микрофлора мавжудлиги бўйича тажриба маълумотларнинг таҳлили қўшимчаларда Ўзбекистон Республикаси СанПиН №0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг гигиена меъёрлари” талабларига мувофиқлигини тасдиқлади.

Милий нонлар ишлаб чиқариш технологик жараёнига наъматак кукуни киритилиши нон пишириш буғдой унининг рецептура миқдорини

камайтириш; зиғир уни ва ерёнғоқ массаси киритилиши, ун билан бир қаторда, ўзбек миллий нонини ишлаб чиқаришда анъанавий ишлатиладиган қаттиқ ёғларнинг рецептура миқдорини камайтириш имконини беради. Бунда тадқиқ қилинаётган қўшимчалардан фойдаланиш маҳсулотларни оқсиллар, озуқавий толалар, витаминлар ва минерал моддалар билан бойитиш имконини беради.


“Табиий озиқ-овқат қўшимчаларининг миллий нон маҳсулотлари сифатига таъсирини тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобда намаътак меваси кукуни, зиғир уруғларидан ун ва ерёнғоқ массасининг миллий нон маҳсулотлари сифатига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Ўрганилаётган қўшимчаларнинг турли дозировкасининг технологик жараённинг боришига, хамирнинг хоссаларига, хамирда газ ҳосил бўлиш жараённинг жадаллигига, тайёр маҳсулот сифати ва озуқавий қийматига таъсирининг тажриба маълумотлари ва назарий асослари келтирилган. Оддий ва сдобали маҳсулотларнинг рецептурасида ушбу қўшимчаларнинг оптимал дозалари аниқланган. Бойитилган рецептурали нонларни саноат ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарадорлик ҳисобланган.

Оби-нон туридаги оддий ўзбек нонларининг сифатига намаътак меваси кукуни таъсирини ўрганиш. Хамир опарасиз усулда келтирилган рецептура (назорат) бўйича 1-навли буғдой унидан ва худди шу ун миқдорини 3,0, 5,0 ва 7,0% наъматак кукуни билан алмаштирган ҳолда (тажриба) тайёрланган.

Ўрганилаётган қўшимчалар хамирнинг хусусиятларига ва тайёр маҳсулот сифатига маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ўрганилаётган қўшимчаларнинг дозировкасини ошириш хамирдаги клейковина масса улушининг пасайишига олиб келганлиги аниқланди. Тажриба намуналарда наъматак кукуни дозировкасини оширишда назорат намунасига нисбатан хом клейковина чиқиши 3,0 дан 7,2% гача ва куруқ клейковина чиқиши 1,6 дан 5,0% гача камайди. Ушбу қонуният ўрганилаётган қўшимчада клейковинанинг асосий компонентлари, яъни оқсилнинг глиадин ва глютенин фракциялари йўқлиги, шунингдек, унга нисбатан сувни ютиб олиш қобилиятининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу клейковина ҳосил бўлиши учун зарур бўлган бўш сув миқдорининг пасайишига олиб келди. Буғдой унининг клейковинасининг мустаҳкамланиши, шунингдек, сульфгидрил гуруҳларнинг оксидланишига ва дисульфид боғ-кўприкларининг шаклланишига олиб келадиган аскорбин кислотасининг кукун таркибида бўлиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, табиий ҳолки, клейковинанинг кучайиши, шу жумладан наъматак кукуни билан киритилган органик кислоталар туфайли қайд этилган.

Хамирда кислота тўпланиш динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, наъматак кукуни дозировкасини ошириш бижғиш пайтида хамирнинг титрланадиган кислоталигининг ўсишига олиб келади, бу эса мазкур жараённи ўртача 0,5 соатга қисқартиришга ёрдам беради (2-расм).



2-расм. Хамир бижғиши жараёнида наъматак кукуни дозировкасининг кислота тўпланишига таъсири

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кукуннинг дозировкаси ошиши билан бижғиш пайтида CO_2 тўпланиш тезлиги назорат билан солиштирганда деярли 1,5 баравар ошди. Бу ўрганилаётган қўшимча таркибида хамирдаги хамиртуруш микрофлорасининг фаоллигини рағбатлантирадиган моно- ва дисахаридлар, витаминлар ва минералларнинг кўплиги билан боғлиқ. Аммо ун массасига 5,0 % дан ортиқ миқдорда наъматак кукуни қўшилиши натижасида клейковина каркаси чекланган эластиклиги туфайли CO_2 нинг йўқолишига олиб келади. Шу сабабли, кейинги тадқиқотларда, айнан лаборатория нон пишириқлари қаторини ўтказишда киритиладиган кукун миқдори 5,0 % билан чекланган.

Миллий нонларни органолептик баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, рецептга наъматак кукуни қўшилиши тайёр маҳсулотларнинг барча кўрсаткичларига, айниқса таъми ва хушбўйлигига ижобий таъсир кўрсатади. Маҳсулотларнинг намлиги ва кислоталиги ушбу турдаги маҳсулотларга қўйиладиган талабларга жавоб беради.

Таъкидлаш керакки, наъматак кукунидан фойдаланганда буғдой уни намлиги билан сувни ютиб олиш қобилияти орасидаги фарқ туфайли хамирнинг намлигини ўртача 1,0-2,0 % га ошириш тавсия этилади. Натижада маҳсулот чиқишини 2,0 % гача ошириш мумкин.

Асосий нутриентларга бўлган кунлик талабни қондириш даражаси бўйича назорат ва тажриба намуналарнинг озуқавий қиймати қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, 5,0 % наъматак кукуни сақлаган тажриба намуналарида оксиллар, ёғлар ва углеводлар миқдори камайган. Шу билан бирга, катта ёшли одамнинг озиқ-овқат толасига (клетчаткага) бўлган кунлик эҳтиёжини қондириш даражаси қўшимчаларсиз маҳсулотларга нисбатан 7,0 га, органик кислоталарга 32,0 га, каротиноидларга 18,5 га ва Са га 1,1 баробарга ошган. Миллий нон тажриба намуналарининг калориялиги 23 ккалга камайган.

Зиғир уруғидан олинган ярим ёғсизлантирилган уннинг ўзбек сдобали нонлар сифатига таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Прототип сифатида Ширмой-нон миллий нонлари рецептураси ишлатилган. Хамир 1-навли буғдой унидан куюқ опарада тақдим этилган рецептура бўйича (назорат) ҳамда ун ва ёғнинг тегишли миқдорини алмаштириш орқали 3,0, 5,0 ва 7,0 % ЗУ қўшилган ҳолда тайёрланди (тажриба). Қўшимчалар хамирга киритилган.

Аниқландики, тадқиқ қилинаётган қўшимчанинг дозировадини оширишда хамирнинг тажриба намуналарида дастлабки кислоталилик 0,12 дан 0,34 °Н гача ошган; назорат вариантыда кислота тўпланиш жадаллиги 0,02, тажриба вариантыда эса 0,03 дан 0,05 °Н/мин гача ташкил қилган; газ ҳосил бўлиш тезлиги 2,4 дан 10,3 см³ СО₂/100 г гача ошган, хамир шарчасининг ёйилиш даражаси, айниқса 7,0% зиғир уни бўлган вариантда пасайган, бу эса маҳсулотларнинг юмшоғи ҳажми ва ғоваклилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун кейинги тадқиқотлар 5,0 % зиғир уни билан бажарилган.

Миллий нонларни органолептик баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, рецептурага 5,0% зиғир уни қўшилиши тайёр маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларига, айниқса таъми ва хушбўйлигига ижобий таъсир кўрсатади. Намлик, кислоталилик, ёғ ва шакар миқдори ушбу турдаги маҳсулотларга қўйиладиган талабларга жавоб беради. Таъкидлаш керакки, зиғир унидан фойдаланганда буғдой уни намлиги билан фарқи туфайли хамирнинг намлигини ўртача 1,0-1,5 % га ошириш тавсия этилади. Натижада маҳсулот чиқиши ўртача 1,0 % га ошади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш рецептуралари ва технологик регламентлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.


Кундалик эҳтиёжни қондириш даражасини ҳисоблаш натижаларининг қиёсий таҳлили 5,0 % зиғир уни сақлаган тажриба намуналарида ёғлар, углеводлар ва Mg миқдори камайганини кўрсатди. Бунда катта ёшли одамларнинг оқсилларга бўлган кунлик эҳтиёжини қондириш даражаси қўшимчаларсиз маҳсулотларга нисбатан 1,97 % га (абс.), озуқавий толаларга (клетчатка) - 8,4% га, В₁ витаминига - 1,25 % га, темирга - 1,15 % га, кальцийга - 1,50 % га, фосфорга - 1,24 % га ошган. Массаси 0,3 кг бўлган нонлар тажриба намуналарининг калориялиги 25 ккалга камайган.

Ерэнғоқ массасининг ўзбек миллий нони сифатига таъсири таҳлил қилиш. 1-нав буғдой унини ва қўй ёғини тегишли миқдорда алмаштириш билан киритилган ерэнғоқ массасининг технологик жараённинг боришига ва ўзбек сдобали нонлари сифатига таъсири тадқиқ қилинди.

Прототип бўлиб Ширмой-нон учун рецептура хизмат қилди. Хамир 1-навли буғдой унидан қуюқ опарада, такдим этилган рецептура бўйича (назорат) ва ун ва ёғнинг тегишли миқдорини алмаштириб 3,0, 5,0 ва 7,0% ерёнғоқ массаси қўшилган ҳолда (тажриба) тайёрланди. Қўшимчалар хамирга киритилди.

Тажриба намуналарида газ ҳосил бўлиш тезлиги ошган, бунда хамирнинг газни ушлаб қолиш қобилиятининг 2,0 дан 8,0 см³ гача пасайиши қайд этилган бўлиб, бу назорат намунасига нисбатан синов намуналарида клейковина ва эркин сув миқдорининг пасайиши билан боғлиқ. (3-расм).

Ушбу ҳолда, шунингдек, ерёнғоқ массаси дозировкасини рецептура бўйича ун миқдорида 5,0% гача чеклаш ҳам тавсия этилади.




3-расм. Ерёнғоқ массаси дозировкасида боғлиқ равишда хамирнинг газ ушлаб қолиш қобилияти (1) ва хамирда газ ҳосил бўлиш (2) ўзгариши динамикаси

Синов лаборатория пишириқлари натижалари бўйича аниқландики, 5,0% ерёнғоқ массаси сақлаган нонларнинг тажриба намуналари органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича зиғир уни сақлаган намуналар билан мос келган ва назорат намунасида ортда қолмаган.

Миллий нонларнинг тажриба намуналари янгилик белгиларини 24 соат кўпроқ сақлаб қолганлиги аниқланди (4-расм).

Асосий нутриентларга бўлган эҳтиёжни қондириш даражаси бўйича назорат ва тажриба намуналарининг қиёсий таҳлили 5,0% зиғир уни сақлаган тажриба намуналарида углеводлар ва В₁ витамини миқдори камайганини кўрсатди. Бунда катта ёшли одамларнинг оқсилларга бўлган кунлик эҳтиёжини қондириш даражаси қўшимчаларсиз маҳсулотларга нисбатан 0,90% га (абс.), ёғларга – 1,24% га, озуқавий толаларга (клетчатка) ва Е витаминига – 8,4% га ошган, минерал моддаларнинг таркиби ҳам қўшимчаларсиз маҳсулотларга нисбатан яхшиланган. Массаси 0,3 кг бўлган нонлар тажриба намуналарининг калориялиги 18 ккалга камайган.



4-расм. Ерёнғоқ массаси дозироваканинг нонлар юмшоғи шишишига таъсири, см³, 24, 48 ва 72 соат сақлашдан сўнг

Ўрганилаётган хом ашёдан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш.

Нон маҳсулотларини, бизнинг мисолимизда оддий ва ўзбек миллий нонларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ уруғлилардан сараланган ва тўғридан-тўғри сотувда қўлланилмайдиган наъматак мевалари ва ерёнғоқ мағзлари (деформацияланган, майдаланган ва ҳок.), шунингдек, қисман ёғсизлантирилган зиғир уруғларидан (кунжара) фойдаланилди.

Мазкур хом ашё асосан ҳайвонлар ва паррандаларни боқиш учун ишлатилади, ёки юқори озуқавий қийматига қарамай, шунчаки утилизация қилинади. Бундан келиб чиқадики, ушбу маҳсулотнинг таннархи сотиш ёки кейинги қайта ишлаш учун ишлатиладиган тўлақонли хом ашёга (ун, мой, биологик фаол моддалар ва бошқ.) қараганда анча паст.

Тадқиқ қилинаётган қўшимчалардан миллий нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарадорлиги ун ва ёғ сарфини камайтириш, шунингдек, тайёр маҳсулот чиқишини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда моддий харажатларни тежаш билан таъминланади.

Таклиф этилаётган технология бўйича, яъни наъматак кукунидан фойдаланиб 1-навли буғдой унидан оддий нонлар тайёрлашда корхона даромади 1 тонна маҳсулотга 34380,6 сўмга ошади, маҳсулот рентабеллиги эса 2,01 % га ошади.

Таклиф этилаётган технология бўйича, яъни зиғир уни ва ерёнғоқ массасидан фойдаланган ҳолда ўзбек миллий нонларни тайёрлашда корхона даромади 1 тонна маҳсулот учун мос равишда 48809,0 ва 15320,6 сўмга ошади, маҳсулот рентабеллиги эса мос равишда 2,00 ва 4,00 %га ошади, бу эса нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадқиқ қилинаётган қўшимчалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

1. Нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиш бўйича замонавий ахборот маълумотлари таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Ёввойи ҳолда ўсадиган озиқ-овқат хом ашёси ва мойли экинларни қайта ишлаш маҳсулотларини қўллашнинг технологик ва иқтисодий самарадорлиги асосланган.

2. Наъматак меваларини, мойли навли зиғир уруғи ва ерёнғоқни қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркиби ўрганилди ва улардан миллий нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

3. Наъматак мевасидан кукун, зиғир уруғлари мойини совуқ сиқиб олишдан сўнг ярим ёғсизлантирилган ун, ерёнғоқ массасини олиш бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилган. Аниқландики, 100 г маҳсулотда нутриентларнинг миқдори бўйича зиғир уни етакчи (17 балл), ундан кейин ерёнғоқ массаси (28 балл) ва наъматак кукуни (29 балл) туради, рўйхатни 1-навли буғдой уни (36 балл) яқунланган.

4. Янги қўшимчаларнинг оптимал дозировкаси аниқланган бўлиб, у ун массасига 5,0 % дан ошмайди. Наъматак кукунидан фойдаланиш ҳисобига Оби-нон туридаги оддий нонларни тайёрлашда 1-навли буғдой уни сарфини 5,0 % га камайтириш имконияти исботланган.

5. Ширмой-нон туридаги сдобали нонларнинг рецептурасида зиғир уни оптимал таркиби ва дозировкаси аниқланган. Шундай, рецептура бўйича ун массасига 5,0 % зиғир уни қўшилиши ун сарфини 4,5 % гача ва ёғ сарфини 14,0 % гача камайтириш имконини бериши аниқланган.

6. Сдобали нонлар рецептурасида 5,0 % гача ерёнғоқ массаси ишлатилиши навли буғдой уни сарфини 2,5 % гача ва ёғ сарфини 50,0 % гача камайтириш имконияти тажриба йўли билан исботланган.

7. Тадқиқ қилинаётган қўшимчаларни нон ишлаб чиқаришда қўллаш самарадорлиги тайёр маҳсулотларнинг озуқавий қийматини ўрганиш натижалари билан асосланган.

8. Оддий ва сдобали ўзбек миллий нонлари учун бойитилган рецептуралар ва уларни тайёрлаш технологиялари бўйича техник ҳужжатлар тайёрланди ва ишлаб чиқариш апробацияси ўтказилган. Ишлаб чиқарилган нон маҳсулотларини саноат ишлаб чиқаришидан кутилаётган иқтисодий самара аниқланган.

**НАУЧНОЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО -
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КОБИЛОВА НИЛУФАР ХУДОЙШУКУРОВА

**ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА И РАСШИРЕНИЕ АССОРТИМЕНТА
ХЛЕБОБУЛОЧНЫХ ИЗДЕЛИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ЭФФЕКТИВНЫХ ДОБАВОК**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2019.2.PhD/Т: 073.


Диссертация работ выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещен на веб-странице института (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Адилов Рашид Тухтаевич кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Курбонов Жамжид Маджидович доктор технических наук, профессор Джахангирова Гулноза Зиннатуллаевна д.ф.т.н.(PhD), доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени И.Каримова

Защита диссертации состоится «18» 02 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 по присуждению ученой степени при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под №367). (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К.Муртазаева, дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан «04» 02 2022 года,
(реестр протокола рассылки №3 от «18» января 2022 г.).



Н.Р. Баракбаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов
Учредитель секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, д.т.н., ст.науч.сот.

Ш.М. Ходжаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени,
к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из важных задач считается обеспечение населения планеты качественными продуктами питания с высокой пищевой ценностью и безопасностью, развитие ресурсосберегающих технологий. Особо важным является обогащение базовых рецептур хлеба и хлебобулочных изделий за счет использования новых видов сырья, в дополнительных продуктах продуктов.

В мире растет спрос на хлеб и хлебобулочные изделия, проводятся научные исследования по определению технологических свойств и состава хлебобулочных изделий. В этом аспекте уделяется особое внимание определению технологических свойств хлебобулочных изделий, их качественных показателей и технологических особенностей с использованием новых и современных методов физико-химического анализа.

В последние годы достигнуты значительные результаты модернизации производства продуктов питания, внедрения ресурсосберегающих технологий, основанных на глубокой переработке местного сырья, снижении доли импортируемого сырья и продуктов питания. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены такие важные задачи как «...развитие производственных отраслей, модернизация и диверсификация промышленности, практическое применение энергосберегающих методов со сниженным расходом сырья, обеспечение пищевой безопасности пищевых продуктов, производство конкурентоспособной и экспортно-ориентированной продукции взамен импортной»¹. В связи с этим значительно расширился ассортимент хлебобулочных изделий целевого назначения. Несмотря на это, исследования в этой области по-прежнему актуальны с точки зрения разнообразия источников сырья, и они особенно перспективны в связи с последними решениями правительства республики и имеют особую важность.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4406 от 29 июля 2019 года «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельскохозяйственной продукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности», предусматривающего такие задачи как «...разработка отраслевых программ по повышению эффективности сельского хозяйства и интенсификация производства социально значимых

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

видов продукции; ... обеспечение пищевой безопасности продуктов питания и защите потребительских прав».

